



15 у.р. "14" апрел

№ 478-К

Самарқанд t-р Самарқанд

“Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ражабамин” маҳалласида яшовчи фуқаро Саломов Сухробга савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.

“Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ражабамин” маҳалласида яшовчи фуқаро Саломов Сухроб туман ҳокими номига “Ражабамин” маҳалла ҳудудидан савдо дўкон қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Ражабамин” маҳалласида яшовчи фуқаро Саломов Сухробга “Ражабамин” маҳалла маркази ҳудудидан савдо дўкони қуриш учун 60 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Саломов Сухробга савдо дўкони қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров